
100 ЁШЛИ ОТАХОН ЗИЁРАТДАН ҚАЙТДИ

Ҳаж ва умра сафарлари ота-боболаримиз учун катта орзу эди. Мустақиллик туфайли бу муқаддас даргоҳга йўллар очилди. 2023 йил умра зиёрати учун жуда сермаҳсул бўлди, десак адашмаймиз. Фақатгина ёзёвонлик минглаб юртдошларимизга зиёратга бориш насиб қилди ва бу давом этмоқда.

Бир аср тенгдоши Ҳоким хожи ота Қодиров ҳам кўплаб юртдошларимиз қатори умра зиёратини адо этиб келди. Туман ҳокими Дилшоджон Джалилов фаоллар билан хожи отани зиёрат қилдилар.

--Етказгани шукур,--дейди хожи ота.--Ўзим юриб, умра амалларини бажардим. Муқаддас жойларда юртимизни дуолар қилдик.

Ёзёвоннинг тирик тарихи бўлган хожи ота хурсанд бўлиб, юртимизга тинчлик, деҳқончиликларга барака, ишларга ривож тилаб, дуо қилди.

2023-05-19 12:42:13